

Ўзбекистон Республикаси
Монополияга қарши курашиш
кўмитасининг 2020 йил 3 августдаги
№624/02-11-сонли хатига илова

Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича ХУЛОСА № 31

I. Умумий маълумотлар

Хулоса Адлия вазирлигига 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:

Сурхондарё вилоят ҳокимлиги.

2. Лойиҳанинг номи ва тури:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойиши лойиҳаси.

3. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 декабрдаги “Дарё ўзанларини тозалаш ишларига тадбиркорлик субъектларини электрон онлайн-аукцион орқали жалб қилиш тартиби тўғрисида”ги 981-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг тўртинчи бандига асосан.

4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:

Сурхондарё вилояти Термиз тумани “Сабзипоя” МФЙ худудидан оқиб ўтувчи Сурхондарё дарёси ўзанини тозалаш жараёнида Сурхондарё вилоятидаги “SURXON TEKSTIL TOLA” МЧЖга;

Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани “Олатемур” МФЙ худудидан оқиб ўтувчи Сурхондарё дарёси ўзанини тозалаш жараёнида Сурхондарё вилоятидаги “BOTIR ALI” хусусий корхонасига;

Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани “Тамаддун” МФЙ худудидан оқиб ўтувчи Сурхондарё дарёси ўзанини тозалаш жараёнида Сурхондарё вилоятидаги “SHO’RCHI SHAG’AL SAVDO” хусусий корхонасига қум-шағал материалларини қазиб олиш ишларига, истисно тариқасида тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат бериш тўғрисида.

II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гурухлари бошқа масъул шахслар ҳамда таклиф этилаётган хужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартибга солинадиган маълумотлар

5. Хужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гурух иштирокчиларининг таснифи:

тадбиркорлик субъектлари гурухлари – “SURXON TEKSTIL TOLA” МЧЖ, “BOTIR ALI” хусусий корхонаси, “SHO’RCHI SHAG’AL SAVDO” хусусий корхонаси;

давлат органлари гуруҳи – Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Сурхондарё вилоят ҳокимлиги;

бошқа иштирокчилар гуруҳи муносабатлари – мавжуд эмас.

6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари ҳуқуқлари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида, шунингдек, киритилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:

6.1. Фармойиш лойиҳасининг 1-бандида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги “Хавфсиз дарё” ДУК ўртасида Тошқинга қарши Ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланган рўйхатдаги:

Сурхондарё вилояти Термиз тумани “Сабзипоя” МФЙ худудидан оқиб ўтувчи Сурхондарё дарёси ўзанини тозалаш жараёнида Сурхондарё вилоятидаги “SURXON TEKSTIL TOLA” МЧЖга;

Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани “Олатемур” МФЙ худудидан оқиб ўтувчи Сурхондарё дарёси ўзанини тозалаш жараёнида Сурхондарё вилоятидаги “BOTIR ALI” хусусий корхонасига;

Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани “Тамаддун” МФЙ худудидан оқиб ўтувчи Сурхондарё дарёси ўзанини тозалаш жараёнида Сурхондарё вилоятидаги “SHO’RCHI SHAG’AL SAVDO” хусусий корхонасига қум-шагал материалларини қазиб олиш ишларига, истисно тариқасида тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилиши кўрсатилган.

III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили

7. Ҳужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози

7.1. Фармойиш лойиҳасининг 1-бандида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги “Хавфсиз дарё” ДУК ўртасида Тошқинга қарши Ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланган рўйхатдаги:

Сурхондарё вилояти Термиз тумани “Сабзипоя” МФЙ худудидан оқиб ўтувчи Сурхондарё дарёси ўзанини тозалаш жараёнида Сурхондарё вилоятидаги “SURXON TEKSTIL TOLA” МЧЖга;

Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани “Олатемур” МФЙ худудидан оқиб ўтувчи Сурхондарё дарёси ўзанини тозалаш жараёнида Сурхондарё вилоятидаги “BOTIR ALI” хусусий корхонасига;

Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани “Тамаддун” МФЙ худудидан оқиб ўтувчи Сурхондарё дарёси ўзанини тозалаш жараёнида Сурхондарё вилоятидаги “SHO’RCHI SHAG’AL SAVDO” хусусий корхонасига қум-шагал материалларини қазиб олиш ишларига, истисно тариқасида тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган **бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асосиз равишда бериши таъқиқланиши кўрсатилган.**

Шунингдек, мазкур Қонун 12-моддасининг иккинчи қисмида алоҳида ҳолларда, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари **табиий оғатлар, ҳалокатларнинг оқибатларини тугатиш ҳамда эпидемияларнинг олдини олиш мақсадида** ушбу модданинг **биринчи қисмида белгиланган ҳужжатлар қабул қилиши ва ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги кўрсатилган.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар Концепцияси”да хусусий сектор самарали фаолият кўрсатаётган соҳаларда давлат иштирокидаги тижорат ташкилотларини тузишга чеклов чораларини белгилаш ва амалдаги корхоналарни қайта ташкил этиш, шунингдек, соғлом рақобат муҳитининг ривожланишини чеклаётган алоҳида хўжалик юритувчи субъектларга эксклюзив хуқуқлар, индивидуал имтиёзлар ҳамда преференциялар **бериш амалиётидан возкечиш** кўрсатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги “Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3756-сонли қарорига асосан солиқ ва божхона имтиёzlари ҳамда преференциялар қонунлар ва **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан** умуман тармоқлар, фаолият соҳалари, худудлар учун берилиши, вақтинчалик имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан 3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилиши, индивидуал имтиёзлар, алоҳида ҳолларда, хусусий сектор инвестиция киритишдан манфаатдор бўлмаган тармоқларда ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш учун, аниқ ижтимоий ёки иқтисодий асослар мавжуд бўлганда ёхуд Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан берилиши кўрсатилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 июлдаги “Ички бозорни қум-шағал материаллари билан барқарор таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3841-сон қарори 4-бандида Комиссия томонидан тасдиқланадиган рўйхатдаги майдонларда дарёлар ўзанларини тозалаш ишларига тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш «Хавфсиз дарё» ДУК томонидан «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончаси орқали ўтказиладиган танлов йўли билан амалга оширилиши белгиланган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, амалдаги қонунчилик талабларидан келиб чиқиб, Фармойиш лойиҳасини қабул қилинишини мақсадга мувофиқ эмаслиги билдирилади.

IV. ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу Фармойиш лойиҳасини қабул қилиниши оқибатида бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликлар берилиши “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддаси биринчи қисми, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар Концепциясига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги ПҚ-3756-сонли қарори талабларига зид эканлигини инобатга олиб, **хужжатни қабул қилиниши мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисобланади.**